ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

6 август, пайшанба 1998 йил №92 (594)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА 25 КУН ҚОЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги УП - 1919-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини технологик жиҳатдан рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги УП - 1919-сонли Фармони қоидалари қуйидаги банд билан тўлдирилсин:

«Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, республика ҳудудига келтирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари бўйича департаменти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ваколатли банклар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида тасдиқланган инвестиция лойиҳаларига мувофиқ импорт қилинаётган технология ускуналарини қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 август.

*Мустақиллик одимлари*

## МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг собиқ СССР таркибида туриб чақирилган сўнгги сессиясида мамлакатимизни Мустақил деб эълон қилган лаҳзани яхши эслайман. Журналист сифатида қатнашмаяпманми, шу заҳотиёқ сессия қатнашчилари ҳолати билан қизиқдим. Мен ўшанда кимнингдир қиёфасидан «қандай қилиб» деган гумон, кимнингдир ҳолатидан - «ростданми» деган ишончсизлик, кимнингдир кўзларида эса бу фавқулодда сўздан хавотир англадим. Шу ҳолатни Президентимиз ҳам сезди ва залда йиғилган депутатларни бу ҳолатдан хавотирга тушмасликка даъват этди. Хуллас, шу куни СССР фуқароси бўлиб сессияга кирган депутатларимиз мустақил юрт депутатлари сифатида залдан чиқар экан, уларнинг кўзларида, сўзларида савол аломатлари барибир бор эди. Чунки аминманки, улардан ҳеч бири буюк келажак нари турсин, борйўғи 7 йилдан сўнг бугунги даражадаги ижобий ўзгаришлар бўлишини тасаввур қила олмаётган эдилар. Ҳар бир тармоқ кишиси собиқ марказ билан боғлиқ ишлар ўрнини нима босишини шу лаҳзадаёқ англаб етиши қийин эди. Жумладан, мустақил юрт банк тизими, пул бирлиги... булар қандай бўлади? Мустақиллик эса бу нарсалар ҳақида узоқ ўйлаш, иккиланишни эмас, тезкор, аммо оқилона ечимлар топишни тақазо этарди.**



(Давоми 2-бетда).

## Ярим йиллик якуни нимани кўрсатди?

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг хайъат мажлиси бўлди. Унда компаниянинг жорий йил биринчи ярмидаги иш якуни ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Компания раиси Б.Носировнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди. Ахборот юзасидан консерва, вино ишлаб чиқарувчи корхоналар, «Мевасабзавот» ҳудудий бирлашмалари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг вакиллари сўзга чиқди.

Таъкидландики, компания саноат корхоналари шу йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 81,7 фоиз, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 84,4 фоиз бажарган холос. Узум виноси, арoқ ва ликер арoғи, шампань виноси ишлаб чиқариш ҳам камайган.

Йиғилишда компания раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорларини бажарилишини таъминламаганлиги, маҳсулотни сифатли қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, уни хорижга чиқариш борасида жиддий иш олиб бормаганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда Республика бош Вазирининг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков сўзга чиқди.

(ЎзА)

*Россия-Ўзбекистон музокаралари якунлари бўйича*

## БАЁНОТ

Шу йил 4 август куни Тошкентда Россия - Ўзбекистон музокаралари бўлиб ўтди. Унда Россия мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи, армия генерали А.Квашнин, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б.Пастухов, бошқа алоқадор идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Музокараларда Ўзбекистон томонидан мудофаа вазири Х.Турсунов, ташқи ишлар вазири А.Комилов, тегишли идораларнинг масъул ходимлари қатнашди.

Афғонистон шимолида вазият кескинлашгани, у ерда толиблар ҳаракати четдан кўрсатилаётган катта мададга таянган ҳолда Афғонистон муаммосини қурол кучи билан ҳал қилишга уриниб, янги хужумни авж олдиргани муносабати билан Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорлик ва анъанавий очиқ-ошкоралик руҳида батафсил фикр алмашилди.

Жаҳон ҳамжамиятининг БМТ шафеълигида Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари йўққа чиқиши мумкин. Афғон халқининг мамлакат яхлитлигини сақлаб қолиш, миллий тотувликка эришиш, ички муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган хоҳиш-иродаси очиқдан-очиқ инкор этилаяпти.

Афғонистон заминида хунрезлик авж олаётганидан Россия ва Ўзбекистон чуқур ташвишланмоқда. Толиблар ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатмоғи лозим.

Россия ва Ўзбекистон фақат афғонистонликларгина ўз ватани тақдирини ўзлари ҳал этиши, кўп йиллардан буён давом этаётган фуқаролар урушига четдан аралашувларсиз чек қўйиши мумкин, деган фикрга асосланган ҳолда қуролли можарога аралашган барча кучларга мурожаат қилиб, уларни мавжуд муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг тинч йўлини топишга чақиради.

Россия ва Ўзбекистон вакиллари Афғонистон шимолида ҳарбий ҳаракатлар янада авж олишига йўл қўймаслик, Афғонистон инқирозини тезроқ бартараф этишга кўмаклашиш учун Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган кучлар вакиллари билан дарҳол учрашишга ҳозирдир.

Россия, Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёдаги МДҲга аъзо бошқа давлатлар миллий манфаатлари ва хавфсизлигига бевосита таҳдид солинишига олиб келиши мумкин бўлган Афғонистондаги ҳозирги вазият тўғрисида фикрлашув натижасида томонлар 1992 йил 15 майда қабул қилинган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартномага мувофиқ, ўз ташқи чегаралари хавфсизлигини мустаҳкамлашга доир барча зарур чораларни кўриш ҳуқуқини сақлаб қолади.

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### КАМБАҒАЛЛАР САФИДА

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Молдавия Республикаси дунёдаги энг камбағал давлатлар сафига кириб қолди. Шу сабабдан ҳам Молдавия Жаҳон банкидан зудлик билан ёрдам маблағлари олади. Жумладан, яқин йиллар ичида Жаҳон банки Молдавияга умумий қиймати 175 миллион доллар бўлган маблағ ажратишга қарор қилган.

### ЧЕГАРАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

**Латвия ўзининг Россия билан чегараларини қайта тиклаш ишларини бошлаб юборди. Латвия ташқи ишлар вазирлиги баёнотига кўра, бу борада Россия билан имзоланган келишув ҳаётга тадбиқ этилмаяпти. Шунинг учун Латвия ҳукумати чегараларни қайта тиклаш ишини бир ўзи бошлаб юборди. Ҳозир Латвия ва Россия чегараларида рухсатнома пунктларини янгилаш ва чегара тўсиқларини таъмирлаш ишлари кетмоқда.**

### ПОКИСТОНДА ҲАЛОКАТ

Покистон ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қирувчи самолет Карочи шаҳри яқинидаги аҳоли зич жойлашган қишлоққа қулаб тушди. Бу ҳалокат оқибатида олти киши қурбон бўлди, 25 киши оғир жароҳат олди. Самолетнинг портлаши оқибатида ёнғин юзага келиб, катта майдондаги уйлар куйиб кул бўлди.

### «АЛЛО, КЕЙДЗО ОБУТИ ЭШИТАДИ!»

**Япониянинг янги бош вазири Кейдзо Обути АҚШ Президенти Билл Клинтон билан телефон орқали сўзлашди. Икки томон Япония ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳамда Осиёдаги молиявий ва иқтисодий инқирозни бартараф этиш юзасидан фикр алмашдилар.**

### ИСРОИЛ МУРОСАГА ЮРМОҚДА

Ливан Бош вазири Рафиқ ал-Ҳароройнинг баёнотига кўра, Исроил 1999 йилда ўз қўшинларини Жанубий Ливан ерларидан олиб чиқиб кетади. Исроил 1978 йили ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Жанубий Ливаннинг бир қисмини босиб олган эди. Олиб борилган музокаралар натижасида Исроил ҳукумати Ливандаги ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга розилик билдирган.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида**

*Муштарий савол қўяди*

## ТАШВИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

**Кейинги пайтда таҳририятимизга келаётган мактублар орасида қуйидаги мазмундаги хатлар анчагина:**

***«...Ҳурматли таҳририят! Кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «8 Март» сиҳатгоҳи фаолияти тўхтатилар эмиш. Пойтахтимиздаги фарзандсизликка қарши ҳамда шу каби аёллар касаллигига оид муолажа ишлари билан шуғулланиб келаётган йирик шифо масканидан нажот истаганлар энди қаерга мурожаат қилишади? Бу ерда меҳнат қилаётганлар тақдири нима бўлади?».***

**Биз ушбу мурожаатларга тегишли жавоб олиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузуридаги Республика санаторий курортлар Бош бошқармаси бошлиғи Акмал ЙЎЛДОШЕВга мурожаат қилдик:**

Маълумки, бу йил - «Оила йили» эканлиги боис, ундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда оила негизини янада мустаҳкамлаш, уларнинг бус-бутунлигига эришишдан иборат. Бинобарин, оила бутунлигининг асосий шартларидан бири бу - инсон зурриёдининг давомчиси бўлмиш фарзанд, соғлом фарзанд - Соғлом авлод демакдир.

Ана шу мақсадни ўзида мужассамлаштирган, шу йўналиш бўйича ихтисослашган «8 Март» сиҳатгоҳи фаолиятини янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш даражаси ва шарт-шароитларини замон талаби даражаси қадар кўтариш бугунги кун - ҳаёт тақозосидир.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан юқоридаги мақсадлар учун жалб этилган 120 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан айни пайтда «8 Март» сиҳатгоҳида кенг кўламда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Эски бино ва иншоотлар бутунлай қайта таъмирланади. Аввалги 2-3 кишилик хоналар бир киши учун мослаштирилиб, мижозларга барча қулайликлар яратилади. Иситиш қозони, сув қувурлари бутунлай янгиланмоқда. Ҳозиргача 150 ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳининг 5 қаватли янги биноси қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу бино ишга туширилгач, бир йўла 300 дан ортиқ дардман эркагу аёлга умид бағишлаш имкони пайдо бўлади. Сиҳатгоҳда бефарзанд оилаларнинг ҳар икки аъзоси - эр ҳам, аёл ҳам бир пайтнинг ўзида даволанишади.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига мувофиқ «8 Март» сиҳатгоҳида қурилиш ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан унинг фаолияти шу йилнинг 1 сентябридан вақтинча тўхтатилади. Бу ҳақда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасидаги тегишли ташкилот ва жамоат бирлашмаларига маълум қилинди. Ўз навбатида даволанувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 140 ўринга мўлжалланган жой ажратилиб, барча шароит ва қулайликлар муҳайё этилган «Бўстон» сиҳатгоҳида август ойининг сўнгги кунларидан бошлаб, шу касаллик бўйича беморлар қабул қилинади беморлар қабул қилинади.

Демакки, «8 Март» сиҳатгоҳи фаолияти тўхтатилмайди, балки бу ердаги муолажа ишлари шу яқин атрофдаги «Бўстон» сиҳатгоҳига вақтинча кўчирилади. Ҳозирги кунда даволанаётганлар ва даволаниш учун йўлланма олганлар ўз муддатида «Бўстон» сиҳатгоҳида даволанишни, муассаса ходимлари эса ўз фаолиятларини давом эттиришади.

Бинобарин бундан бир неча йил муқаддам «8 Март» сиҳатгоҳи

шу ихтисосда шуғулланувчи республикада ягона, соғломлаштириш маскани эди, Мустақиллик шарофати туфайли аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Тошкентдаги «Чинобод», «Турон», Фарғонадаги «Чимён», Наманганлаги «Чортоқ» сиҳатгоҳларида ҳам шу йўналиш бўйича ўринлар ажратилиб, зарур асбоб-ускуналар, малакали шифокорлар билан таъминланиб, даволаш ишлари йўлга қўйилди.

*Изҳори дил*

## ИСТИҚЛОЛ БАХТИМИЗДИР

**1.ИСТИҚЛОЛ СИЗНИНГ ТАҚДИРИНГИЗДА.**

**2.МУСТАҒИЛЛИКНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ. ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИС ЭТАЯПСИЗ? КЎРАЯПСИЗ?**

**3. МУСТАҚИЛ ОНА ЮРТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАСИЗ?**

**Носир ФОЗИЛОВ,**
**ёзувчи, таржимон, Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.**

1. Менинг тақдирим Ўзбекистон фуқароларининг тақдиридан айро эмас. Инсон учун энг кераклиси тинчлик, омонлик ва хотиржамликдир. Қарияларимиз ҳам дастурхон устида дуойи-фотиҳа қилишганда мана шу ибораларга бежиз урғу бермайдилар. Демак, инсон учун энг қимматлиси, энг зарури, энг ҳаётбахши мана шу айтганларимда мужассамдир.

Истиқлол менга ана шуларни ҳадя этди. Бу энг ноёб неъматлардир. Бордию, моддий бойлик бўла туриб тинчликдан, омонликдан, хотиржамликдан мосуво бўлсам, менга бунақа ҳаловат керак эмас. Бойлик озайса, ўрнини тўлдириш мумкин. Аммо, тинчликдан, омонликдан айро бўлишнинг ўрнини тўлдириш ғоят мушкул. Бунга ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда қўшни давлатлар мисолида ҳам далиллар тўлиб-тошиб ётибди.

Шунинг учун ҳам истиқлолнинг бу буюк неъматининг қадрига етмоғимиз керак. Ўзбек адабиётига камтарона ҳисса қўшиб келяпман. Қозоқ адиб ва шоирларининг 35 та китобини ўзбекчага ўгирдим. Ўзбек ва қозоқ халқлари адабиёти намоёндаларини адабий алоқасини мустаҳкамлашда доимо бел боғлаб хизмат қилиб келяпман...

Демоқчиманки, бу борадаги хизматларим фақат мустақиллик йилларидагина қадр топди. Икки давлат раҳбарларининг дўсттотувлиги, баъзи масалаларда ҳамжиҳатлиги, ҳамфикрлиги туфайли бўлса керак мени ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги, адабий алоқаларни ривожлантиришдаги камтарона хизматларимни Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукумати инобатга олиб муносиб тақдирлашди.

2.Инсон ўз мамлакатида юз бераётган муваффақиятларни, моддий ва маънавий ютуқларни шу жараёнда ўзи аралашиб юргани боис, баъзан пайқамай, баъзан баҳолай олмай қолади. Бунинг қадри қўшни давлатларга чиқиб, уларнинг ҳаёт тарзини чамалаб, қиёслаб кўрганда яққол кўзга ташланиб қолади. Менда бундай ҳолат аллақачон рўй берган. Қўшни мамлакатларга бундай назар солсангиз, биронта янги қурилишни учратмайсиз. Бор завод, фабрикаларни ҳам хорижлик корчалонларга сотиб юборишган. Бизда эса бутун республикамиз каттакон қурилиш майдонига ўхшайди. Барпо этилган ва этилаётган кичик корхона, фирмаларни қўя турайлик. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводини, Қашқадарёдаги «Шўртан» газ конлари мажмуини, Зарафшондаги олтин кони, Қорақалпоғистондаги сода заводи, Хоразмдаги қанд-шакар заводи, Ўзбекистон самолётсозлик заводи маҳсулотлари...

Эҳ-ҳе! Айтаверсак охири кўринмайди. Бу корхоналар Марказий Осиёда ягона, тенги йўқ. Энг муҳими МДҲ давлатларининг кўпчилиги хориждан то пешонасигача қарзга ботган бир пайтда бизнинг юртимиз бундай муаммо, тавқилаъьнатдан мутлақо халосдир...

Шубҳасиз бу корхоналар ўз самарасини бера бошлади. Юртбошимизнинг импорт ўрнига экспортни кўпайтириш лозимлиги ҳақидаги гапи амалга ошаяпти. Бу деган сўз, юртимизга жаҳон бозори муомаласидаги валюталар олиб кирилаётганлиги. Юртимизнинг мавқеини, қадди-бастини яна ҳам юксалтириши турган гап.

Ҳаммасидан ҳам биз учун энг қимматлиси давлатимизнинг тинчлиги, халқимизнинг тотувлигидир.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан зиёлиларга катта эътибор берилаяпти. Адабиёт ва санъатни юксалтириш ҳақида қатор, фойдали қарорлар қабул қилинаяпти. Хоразмда «Маъмун» академиясининг ташкил этилиши, Беҳзод номидаги мусаввирлар академиясининг, «Ўзбекрақс» бирлашмасининг ташкил этилиши, шунингдек мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, умуман адабиёт ва санъат аҳлига ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, яқиндагина юртбошимизнинг тарихчилар билан учрашиб, уларни худди мудроқликдан уйғотиб хушёр торттириб қўйганлиги, тарихчи-олимларга аниқ-тиниқ маслаҳатлар берганлиги юқоридаги фикрларга далил бўла олади.

3. Шубҳасиз, яқин кунларда юқорида санаб ўтган далиллар ўзининг бой самарасини беришига ишончим комил. Четдан келган таркиби - шубҳа ичимликлар, турли печеньелар, усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсалар ўрнини ўзимизнинг соф маҳсулотлар босиши турган гап. Ўзимизнинг «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари турганда хориждан келтирилган автомашиналарга на ҳожат?! «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари бутун дунёни лол қолдиряпти.

Юртимиз ғалла ва ёнилғи мустақиллигига эришди.

Мана шу омилларнинг ўзиёқ эртанги кунимизга ишонч билан қарашимизга асос бўла олади.

Мустақил юртимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, зеро Истиқлол бахтимиздир. Истиқлол - порлоқ истиқболимиздир.

**«Ишонч» мухбири Абдулла АЙИЗОВ ёзиб олди.**

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ–ОИЛА ЙИЛИ

## ОИЛА даврасида

### ДЎСТ ДИЙДОРИ...

*Икки нарса дилдаги ғам офати,*
*Дўст дийдори, доно киши суҳбати.*

**Абу Шукур БАЛХИЙ**

*Дўст топсанг сақлағил фидо этиб жон,*
*Дўст этагин қўлдан чиқарма осон.*
*Кишига соғлом иш-дўстлик қилишдир,*
*Вафо кўргизмак асли катта ишдир.*

**Носир ХИСРАВ.**

*Дўстим қолсин десанг мангу дўст бўлиб,*
*Сўзлагил сен таъбу одатин билиб.*

**Абдумажид САНОИЙ.**

*Ғамли кун ким бўлса ҳамдарду ҳамдам,*
*У ёринг бўлғуси шодлик куни ҳам*

**Фаридиддин АТТОР.**

*Ғаму шодликка ёр бўлса баробар,*
*Уни чин дўст ҳисоб этгил, биродар.*

**Хисрав ДЕҲЛАВИЙ.**

*Ким айбингни айтса, у дўстинг ишон,*
*Ким яшириб юрса, заҳарли илон.*

**Рукниддин АВҲАДИЙ.**

*Ҳақиқий дўстга жонингни фидо қил,*
*Ва лекин, дўсту душман фарқини бил.*

**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

*Оқилдан душманлик бўлмайди пайдо,*
*Ғофил-чи, дўстликка ярамас асло.*

**Носир ХИСРАВ.**

**Тўпловчи: Акбар АЛИЕВ.**

*Одамийлик сабоқлари*

## ПОЙИНГИЗГА ГИРГИТТОН БЎЛАЙ

Оила кичиккина мамлакат. Оила юртининг меҳр қуёшига она қиёс этилса, тарбия боши - Отадир, ёши улуғлардир. Ота-онанинг ўз жигарпораларига муруввати Қуёшнинг она заминни беминнат ёритгани янглиғ улуғдир. Ўзаро ҳурмат-эҳтиром ҳам ана шу оиладан бошланади. Отани, Онани ҳурмат қилган албатта қўшнисини, ёру биродарини иззат қилган, ҳурмат қилган бўлади. Зеро, оналар улуғланиб «Жаннат оналарнинг оёғи остидан бошланур» битигида беқиёс ҳикмат мужассамдир.

Шу ўринда Муҳаммад Жабалрудийнинг бир ҳикояти ёдга тушади.

Бир йигитнинг саволига қиз шундай жавоб қилган экан:

- Кишининг қалбида қуйидаги бўстонлар бўлади. Биринчи илм бўстони, иккинчи-мулойимлик бўстони, учинчиси ихлос бўстони, тўртинчи камтарлик бўстони, бешинчиси - саҳоват бўстони, олтинчиси - ризо бўстони, еттинчиси - умид бўстони.

Йигит бу бўстонлар билан қизиққанида

Қиз дебди:

- Киши равнақ топай деса, аввало илм бўстонига киради ва у ердаги нодонлик ва жоҳиллик ҳашакларини юлиб, узоққа отади. Сўнг мулойимлик бўстонида адоват ва ҳасад тиконлари ўсган бўлса уларни ҳам юлади. Сўнг ихлос бўстонида риё ва бадгумонликни, камтарлик бўстонида такаббурлик ва мағрўрликни, ризо бўстонида эса манманлик ва қайсарлик тиконлари бўлса, бўстонни улардан ҳоли қилади. Сўнг умид бўстонига киради ва унда умидсизлик ва тушкунлик тиконлари бўлса, уларни ҳам юлиб ташлайди.

Йигит қизнинг ақл-идрокига тасанно айтиб, шунча илму ҳикматни кимдан ўрганганлигини сўрабди: Қиз:

- Ота-онамдан!- деб жавоб берган экан.

Демак ота-она фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб ўстиради, илму-ҳикмат одобидан ибрат бериб, тарбия қилиши ҳеч кимга сир эмас. Фарзандлар эса ота-онани эъзозлаб, ҳурмат-иззат қилиб, кўнглини олиб дуосига сазовор бўлишга интилиши фазилатдир. Ота-она розилигини олишнинг ҳосияти улуғдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. жаноблари «Кимки ота-онасининг ризолигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиргай»-дейдилар. Ҳадису муборакларимизда «Ота-оналарнинг кексалик чоғида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин» каби ўгитлар битилган.

Аммо на отани, на онани писанд қилмай, ҳурматларини жойига қўймайдиган ноқобил фарзандлар ҳам учрайди. Шу ўринда кўхна тарих фожеасидан бири, яъни фозил буюк инсон Улуғбекнинг ўлимини бир сония эсга олайлик. Бу нобакор фарзанднинг иши эмасмиди? Абдулатиф шафқатсизлик қилади падари бузрукворига, қалбини яралайди унинг. На Яратган эгамдан, на бандасидан ҳайиқади у. Аммо ҳақиқат қарор топгуси, ҳақ ғолиб келгусидир. Кун ботиб, тонг отиб қасос онлари ҳам зумда келади. Абдулатиф мамлакатни ёлғиз ўзи идора қила боради. Аммо отасининг қотилини халқ қўлламайди, ҳаммаслаклари юз ўгиради ундан. Абдулатиф бир кун қўлига китоб олади, унинг варағидаги биргина гапни ўқийди: «Падаркуш подшоликка ярамайди, яраса ҳам олти ойдан нарига ўтмайди».

Ҳа, олти ой. У ўз ҳамтовоқлари томонидан ўлдирилади. Унга на тахт, на бойлик ва на ҳаммаслаклари мададкор бўла олмайди, вафо қилишмайди. Бу бевафо дунё ўткинчидир, киприк қоққинча дамда ўтадикетади. Лекин инсон ўзига берилган қисқа инояти — умри мобайнида ота-онасини, опа-укасини, қўни-қўшниларини, ёру-биродарларни ҳурмат қилиб бормоғи лозим. Ушбу тарихнинг аччиқ ҳақиқати сабоқ бўлмоғи керак барчамизга. Ўз яқинларини ҳурмат қилган киши, бошқаларни ҳам ҳурмат қилади, иззатини ўрнига қўяди. Ҳиёнатнинг гуноҳлигини англаб пок йўлни тутган фарзандлар оналарининг оёқлари остидан бошланувчи жаннатни кўзлайдилар. Отасининг розилиги билан Худонинг розилигини олишга интилади комил фарзанд. У фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчларини шараф билан адо этади. Яъни, овқатга, кийимга муҳтож бўлиб қолса уларни овқатлантириш ва кийинтириш, чақирганларида «лаббай» деб етиб келиб, хизматга буюришса бажону дил бажариш, гуноҳ ва ғийбат ишлардан бошқасини буюришса итоат қилиш, мулойимлик билан гаплашиш, тавозе билан исмларини айтмай муомала қилиш, уларнинг ортларида юриш, ўзларига лозим деб яхши кўрган нарсаларини уларга илиниш, Аллоҳдан ўзи учун қандай мағфират тиласа, уларнинг ҳам гуноҳларидан кечишни сўраш каби бурчларини адо этиши билан ота-оналарининг рахматини эшитади, розилигини олади, дуосига сазовор бўлиб боради. Бу Аллоҳ Таоло биз фарзандлар учун берган буюргани, рушду саодат йўлининг эшигини очиб борувчи мўминнинг асосий бурчларидандир.

Илоҳо ота-оналаримизнинг кўнглини хушнуд этиб, дуоларига сазовор бўлишликни Яратган Эгам насиб айласин.

**Ирода ҲАМЗААЛИ қизи.**



Тошбуви опа Мирзаева (суратда)лар оиласини Самарқандда яхши билишади.

«Она кўнгли-болада» деб бежиз айтишмайди. Эрталаб ишга кетишда ҳам, кечқурун ишдан қайтишда ҳам, фарзандлари билан бир оз бўлсада суҳбатлашиб олади. Бугун ҳам қизини ишга жўнатаркан қизига меҳр билан боқади. Ўгитини аямайди. Юртимизда мана шундай, юртимизга омонлик, бахт-саодат, фарзандларига иқбол тилаб турган оналаримиз ҳар доим омон бўлишсин.

**Суратчи: Тоҳир НОРҚУЛОВ.**

*Болаларингиз билан бирга ўқинг*

## XANDALAR

Kichkina qizcha bozorda oyisini yo'qotib qo'yib, yig'lay boshlabdi. Shunda uning atrofiga to'plangan xotinlar so'rashibdi: - Oying qanday kiyingan, yuzlari qanaqa?

- Eng chiroyli kiyingan, hammadan chiroyli mening oyim bo'ladilar.

***

Kichkina qizcha bugungina do'kondan sotib olishgan qo'g'irchog'ini oyisiga ko'rsatib debdi:

- Oyijon, aytingchi kimning qizi chiroyli?

- Seningcha qanday?

- Sizning qizingiz chiroyliroq.

***

Boshlang'ich sinf o'quvchilari o'zaro suhbatlashyapdilar. Ulardan biri do'stiga dedi: - Do'stim, senda ikkita mushuk bor. Bittasini menga ber. Men ham mushuk boqmoqchiman.

- Qaysisini olmoqchisan?

- Oqini bersang ham mayli.

- Yo'q, uni o'zim ham yoqtiraman.

- Unda qorasini ber.

- Uni berardim, lekin «O'zing yoqtirmagan narsani boshqaga berma», - deyishgan ekan donolar.

***

Bir sho'x bola o'zining soyasini ko'rdi-da, uni urishga tutindi. Ustidan sakradi, yonidan yugyrdi, tepib ushlamoqchi bo'ldi. Soya esa hech tutqich bermasdi. Nihoyat bolakay charchadi, jahli chiqdi. Uyga qaytmoqchi bo'ldi. Qarasa soyasi ham uning ortidan kelayapti.

- Ah-ha! Sening ham ovqat yeging kelayaptimi? Unda, yur kettik!

***

Hovlida aylanib yurgan ikkita xo'roz bir pastda bug'doy donini topishibdi.

- Men birinchi bo'lib ko'rdim! - debdi birinchisi.

- Yo'q, men avval ko'rdim! - debdi ikkinchisi.

Ular urusha boshlabdilar. Daraxt shoxida o'tirgan chumchuq tezlik bilan uchib kelibdi-da, bug'doyni yutib yuboribdi.

- Ey, siz janjalkashlar!- debdi chumchuq. Mana men sizga qaraganda qancha kichkinaman. Yo'q narsadan janjal chiqarish kerakmasligini men ham bilaman.

**Bahriddin TURG'UNOV tayyorladi**

*Психолог минбари*

## ИРОДАНГИЗ ҚАЙ ДАРАЖАДА

**Азиз муштарийлар қуйида тавсия қилинаётган тест орқали сиз иродангизни нақадар кучли, ўрта ёки заиф эканлигини билиб олишингиз мумкин.**

**Агар саволга «Ҳа» деб жавоб берсангиз - 2: «билмайман» деб жавоб берсангиз - 1: ва ниҳоят «йўқ» деб жавоб берсангиз ўзингизга -0 очко қўйинг.**

1. Бажараётган ишингиз ўзингизга ёқмаса ҳам мазкур ишни охиригача етказишга ҳаракат қиласизми?
2. Жанжалли ҳолатга тушиб қолганингизда ўзингизни тута оласизми?
3. Агар сизга парҳез тутиш тавсия этилган бўлса барча ширинликлардан воз кеча оласизми?
4. Зарурати бўлмаган тақдирда ҳам уйқунгиздан воз кечиб бир мунча илгари уйғона оласизми?
5. Агарда жиноят содир этилган бўлиб, унга сизнинг гувоҳлик кўрсатмаларингиз керак бўлиб қолса, ўша жойда туриб тураоласизми?
6. Сизнинг номингизга келаётган хатларга қисқа вақт ичида жавоб қайтарасизми?
7. Тиш дўхтирига бориш сизга даҳшатли бўлиб кўринганида ўз фикрингиздан қайтасизми?
8. Қизишиб ваъда бериб қўйганингизда ва бу ваъдани бажариш бир қанча нохушликларни келтирса ҳам ўз ваъдангизда турасизми?
9. Кун тартибига қатъий риоя қиласизми?
10. Агар телевизорда қизиқ кўрсатув берилаётган бўлса, бажарилиши зарур бўлган ишларни бошқа вақтга кўчириб қўясизми?
11. Сизга қарата айтилаётган гаплар ўринсиз бўлсада жанжал пайтида ўзингизни биринчи бўлиб тута оласизми?
12. Бажараётган ишингиз нохуш воқеаларга олиб келишини била туриб ўз ишингизда давом этасизми?
13. Врач маълум бир дорини қабул қилишнинг ўта муҳимлигини айтса ҳам, лекин мазкур дори кўнглингизга ўтирмаса уни қабул қиласизми?
14. «Жимлик - бу олтин демақдир» деган иборага сиз ҳам қўшиласизми?

**Юқоридаги саволларга ҳақиқатан ҳам очиқ ойдин жавоб қайтарган бўлсангиз ва бу жавоблар сизни тўла қониқтирса иродангиз нақадар кучли, ўрта ёки заиф эканлигини билиб олинг.**

**Агар сизнинг тўплаган очколарингиз 0 дан 12 гача бўлса унда сиз эга бўлган ирода бироз заиф бўлиб, сизга нима осонроқ ва қизиқарлироқ бўлса ўша ишни бажаришга ҳаракат қиласиз, бажарилиши мумкин бўлмаган ишларга эса қўл силтаб қўясиз.**

**Тўплаган очколарингиз сони 13 дан 20 гача бўлса унда сизнинг ирода кучингиз ўртача бўлиб, бирор бир тўсиққа дуч келганингизда уни енгиб ўтишга ҳаракат қиласиз. Лекин бошқа бир осонроқ йўли тўғри келиб қолса дарҳол ўша йўлни тутасиз. Яхши ниятда эса бошқа ёки ортиқча мажбуриятларни ўз зиммангизга олмайсиз.**

**Ва ниҳоят тўплаган очколарингиз сони 21 дан 28 гача бўлса сиздаги ирода кучли бўлиб сизга ишонса бўлади ва сиз бу ишончни оқлайсиз.**

**А.БЎРИЕВ таржимаси.**

*«Ишонч» устахонаси*



### ДЕКОРАТИВ ҚУШЧА

*Бу қушча тасвирини қиз болаларнинг кийимларига тикиб қўйишингиз мумкин. Унинг тумшуғи, танаси ва қанотларини чиройли рангдаги матолардан қирқиб, тайёрланг. Кўзи ўрнида эса чиройли тугмачани тикиб қўйинг. Бу тасвирни кийимнинг икки томонига жойлаштириш ҳам мумкин.*

**Ҳ.ЭГАМОВ.**

## «Оила йили» викторина танлови

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарори республикамиз транспорт корхоналарида ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасига қарашли сарой ва деполарда ҳам бу борада қатор ибратли тадбирлар кўрилмоқда.

Уюшма бошқаруви томонидан «Оила йили»га бағишланган танлов викториналарини ўтказиш бўйича махсус буйруқнинг эълон қилиниши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Метрополитен, автокорхоналар, электр транспорти корхоналарида уларнинг энг яхши ходимлари оилалари иштирокида ўтказила бошланган бу танлов жойларда қизиқиш уйғотди.

Кўрикда транспортчилар томонидан касб маҳорати қай даражада ўзлаштирилаётгани, ўлка тарихидан қандай билим ва тушунчага эга эканлиги, ўзбек оилалари анъаналарига қандай амал қилаётгани ҳам инобатга олинади.

Энг яхши оилаларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тадбирлари ҳам кўрилди.

**А.АКБАР.**

*Тиббий маслаҳат*

## ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАР...

### ва фақат шугина эмас, тарвуз ва қовуннинг даволовчи хусусиятлари ва хосиятлари хусусида

**Тарвуз ўта хушхўр ва шифобахш неъматдир. Тарвуз таркибида кўп микдорда сув, 11 фоизга қадар қанд, В1, В2,С, РР витаминлари, каротин, органик кислоталар, жумладан, фолат кислота, пектин, калий, магний, фосфор, кальций, темир ва бошқа моддалар бўлади.**

Абу Али ибн Сино тарвуз мевасининг юмшоқ қисми ва уруғини жигар, буйрак касалликларини даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Тарвуз шарбати чанқоқ қолдириши билан бирга, ўт ва сийдик ҳайдаш хусусиятига эга, яллиғланиш билан боғлиқ бўлган хасталикларнинг олдини олади. Шунинг учун юрак, буйрак ва жигар касалликларида уни истеъмол қилиш тавсия этилади. Халқ табобатида тарвуз сариқ касаллиги билан оғриган беморларга ва безгак хуружида тавсия қилинади.

Тарвузнинг қуруқ пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида ёрдам беради.

Тарвуз кишини оздиришга ёрдам беради, паришонхотирликнинг давоси сифатида ҳам ишлатилади. Тарвуз уруғларининг сут билан яхши аралаштирилгани бачадонда қон кетишини тўхтатади, мағизлари гижжа ҳайдовчилардан ҳисобланади.

Илмий тиббиётда тарвуз шарбати подагра, артрит, қандли диабет кабиларни даволашда ишлатилади. Унинг сархил кўк пўчоқлари ҳамда қуритилган пўчоқларидан болаларда бўладиган колит касаллигини даволашда фойдаланилади. Тарвуз склерозга қарши, камқонликда дармон бағишловчи, шунингдек ўт ва сийдик ажратиш йўлларида тош бўлганида кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Тарвуз тўйимли неъмат сифатида ҳам инобатга олинади. Масалан, 100 гр. тарвуз 40 каллорий қувват бериши мумкин. Темир етишмаслигидан бошланган анемия (камқонлик), сурункали қабзият (ич қотиш) маҳалида 1-2,5 граммдан тарвуз этини кунига 4-5 махал еб туриш тавсия этилади.

Қовун таркибида инсон организми учун зарур бўлган органик ва минерал тузлар, витаминлар бўлади. У даволаш воситаси сифатида қадимдан қўлланилади. Искандар Зулқарнайн замонаси тиббиёт асарларида (Искари-Аъзам) турли хил хасталикларни, жумладан, бронхит, сил, мигренни даволаш ва нафас йўлларини тозалаш учун қовундан тайёрланадиган бир қанча дори-дармонлар зикр қилинган. Бод касаллигини даволаш учун қайнатилган қовун ширасини суркаш, захм касаллигида қовун уруғи жавҳарини истеъмол қилиш тавсия этилади. Ёш уруғдан тайёрланган малҳам шишни бартараф этиб, йирингни тортиб олади.

Табибларнинг султони Абу Али ибн Сино ўз асарида: «Қовун, хусусан унинг уруғи ва эти қон томирларини кенгайтиради, терини тозалайди. Қовун уруғи офтоб уришидан сақлайди, сепкил ва бош қасмоғини йўқотади. Пишгани ҳам, сапча қовун ҳам сийдик хайдаш хусусиятига эга, буйрак, сийдик қопчиғи ва жигардаги тошларни йўқотади» - деб ёзган эди. Олимларнинг таъкидлашича заифлашган аёлга ҳомиладорликнинг биринчи ярмида қовун истеъмол этиш маъқул кўрилмайди, бунда ўз-ўзидан бола ташлашнинг олдини олиш кўзда тутилади. Аммо аёл соғлом бўлса, у тақдирда ҳомиладорликнинг бутун даври давомида мунтазам қовун истеъмол этавериши мумкин. Халқ табобатида дармони қуриб қолган ва камқонлик касалларига қовун буюрилади. Гепатит билан оғриб ўтган ва ичи қабзият бўлиб юрадиган одамларга у фойдалидир. Юзга сепкил, ҳуснбузар тошганида, доғ тушганида кечаси ётиш олдидан юзга қалин қилиб эти қолдирилган қовун пўчоғи, боғлаб қўйилади. Уруғларини ҳам янчилган ҳолда сувга яхши қориштириб сепкил ва ҳуснбузарларни йўқотиш учун ишлатилади. Буйрак тош касаллигида қовуннинг сувга қориштирилган ана шундай уруғини овқатдан олдин, ярим стакандан кунига 2-3 маҳал ичилади.

Қовун уруғининг сути, шунингдек қовун уруғининг ўзи ва чала етилган қовун шираси гижжа ҳайдайдиган жуда яхши воситадир.

Қовун таркибида клетчатка (хужайра) бўлиб, у ичакдаги фойдали микрофлоранинг ҳаёт фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У организмда холестеринни чиқаришга ёрдам беради ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди. Қовунда фолат кислотаси ҳам бўлиб, у склерозга қарши таъсир қилади.

Қовунни - глюкоза ҳамда витаминларнинг ҳақиқий чашмаси деса бўлади. Бу моддалар жигар, буйрак, юрак, ошқозон, ўпка ишини ривожлантиради, одамни умуман тетиклаштиради.

**Фақатгина аллергик, диабет ва бошқа касалликларида қовун истеъмол қилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.**

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.**

## «САДОҚАТ ГУЛШАНИ» ОИЛА ХИЗМАТИДА

Амударё тумани хотин-қизлар қўмитасининг нашри - «Садоқат гулшани» газетасининг дастлабки сони ўқувчилар қўлига бориб тегди. Бугунги мураккаб бозор муносабатларига ўтилаётган бир пайтда хотин-қизлар қўмитаси, унинг тиниб-тинчимас раисаси Хонимжон Ражабованинг саъй-ҳаракатлари билан компьютерда саҳифаланиб чоп этилган 16 саҳифали чиройли, мазмундор газета дарҳол муштарийлар эътиборини тортди. Унинг саҳифаларидан ранг-баранг қизиқарли материаллар, ёрқин суратлар ўрин олган. Газетанинг асосий диққат-эътибори тумандаги 24 мингдан зиёдроқ оилаларнинг мустаҳкамлиги, тинчтотувлиги, осойишталигига қаратилгандир. Бу юзасидан тажрибали оила бошлиқлари, маҳалла оқсоқоллари, кайвони момоларнинг фойдали фикр-мулоҳазалари берилганлиги газетанинг янада ўқимишли бўлишига ёрдам берган.

**Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.**

